

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тадбир

МУКОФОТЛАР ТАНТАНАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Янгийўл тумани ҳокимлигида уруш ва меҳнат fronti фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ҳамда бир марталик пул мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов иштирок этди.



Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда 24 нафар уруш ҳамда меҳнат fronti қатнашчилари, бир қатор мутасадди ташкилот вакиллари, туман фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят ҳамда туман ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига Президентимиз номидан медаль ва пул мукофотлари, шунингдек, муҳофизатчилари бошқармаси туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Худди шундай тадбир Паркент туманидаги 29-Болалар мусика ва санъат мактабида ҳам бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этган ушбу тадбирда 17 нафар уруш ҳамда 2 нафар меҳнат fronti қатнашчилари тақдирланди.



– Ҳар тонг шундай до-риламон кунларга етказгани ва бу кунларнинг абадий давом этиши учун дуога қўл очаман, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 91 ёшли Тўхта бобо Хўжаев. – Фар-

зандларим қатори маҳалла-қўй, ёшлар ва ҳокимликлардан келиб, ҳолимдан хабар олишлари, давлатимизнинг доимий эътибори ва меҳрибончилигидан ҳар сафар анча ёшаргандек бўламан. Бу-

нинг учун Президентимиздан, халқимиздан миннатдорман. Ҳамиша осмонимиз мусаффо, халқимиз тинч, дастурхонимиз

тўкин бўлсин.

Санъат мактаби жамоасининг чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ улашди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Даврон АҲМЕДОВ, Азамат АҲМЕДОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

Ташаббус – 2015

ТАЛАБГОРЛАР КЎПАЙДИ, КЎЛАМИ КЕНГАЙДИ

Вилоят ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун фермерлар, тадбиркор ва хунармандлар ўртасида 2014 йил якунлари бўйича ўтказилган тадбирда "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг вилоят босқичига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичлари 23 апрелгача якунланиб, вилоят босқичини 5 май кўни Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғидаги вилоят Маданият саройи биносига ўтказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бошқа ҳеч бир соҳа ўрнини босолмайдиган муҳим аҳамиятга эга. Янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратилиши энг муҳим омилга айланган ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг 76 фоизи самарали меҳнат қилаётди. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган бўлса, 2014 йилда 55 фоиздан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтиришга, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермерлар Кенгаши, Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, мусавирлари "Хунарманд" уюшмаси, шу билан бирга тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлиги ва молиявий кўмағида ташкил этилаётган кўрик-танловнинг туман босқичида иштирокчилар учта асосий, яъни "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши хунарманди" ҳамда "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси", "Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши солиқ тўловчи", "Менинг юртим – менинг ифтихорим" номинациялари бўйича беллашди.

Кўрик-танловнинг дастлабки даврида ишлаб чиқариш, қурилиш ва қулолчилик соҳаси вакиллари иштирок этган бўлса, бугунги кунда фаолият йўналишлари ўзгариб, ривожланиб, тадбиркор, фермер ва хунармандлар сафи ва танловнинг кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз.

УЛАРГА СУЯНЧ БЎЛАЙЛИК

Чирчиқ шаҳри "Офицерлар уйида" республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ташаббуси билан "Кексаларни қадрлаган юртнинг келажиги буюкдир" мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирга тақдир этилган ижодкорлар ва шаҳар ҳарбий горнизони зобитлари кексаларни қўлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида уларнинг дуоси борли-

ги, қарияларни ҳар қачонгидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилашга ҳаракат қилинаётганини таъкидлашди.

Тадбир сўнггида таниқли санъат-

корлар дилрабо қўшиқлари билан иштирокчиларга қувонч ҳадя этди.

Б. МИРЗАБЕКОВ, республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими бош мутахассиси.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«АЖДОДАРИНГИЗ ҚАБРИГА ЭЪТИБОРЛИМИСИЗ?»

Газетанинг шу йил 8 апрелдаги 21-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада Зангиота туманидаги айрим қабристонлар қаровсиз ахволда экани ҳақида далиллар асосида мулоҳаза юритилган эди. Ушбу мақола юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф. Исмоилов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда маълум қилинишича, мақола туман ҳокимлик соатида атрофчи муҳофизат этилди. Туман ҳокимининг махсус фармойиши билан 3-4 апрель кунлари туманда умумхалқ ҳашар эълон қилиниб, ушбу тадбирда айнан қабристонларни ободонлаштириш масаласи кўзда тутилган. Мақолада қайд этилган ҳолатлар мазкур ҳашар орқали деярли бартараф этилган.

Шунга қарамай, ҳокимлик соатида барча мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар белгиланиб, амалда бажарилиши қатъий назорат остида олинди.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

БЕКОБОДГА ШОҲБЕКАТ КЕРАКМАСМИ?

Хизмат сафари билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида кўп бўламан. У ерлардаги ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик, ташаббускорликни кўриб, фахр ва мамнуният билан суратга оламан, ён дафтаримга битиклар битаман. Газета-

миз саҳифаларида тезроқ ёритишга интиламан. Лекин, гоҳо шундай манзараларнинг гувоҳи бўламанки, шитоб билан одимлаб бораётган текис ва раван йўлида тўсатдан қоқилиб тушгандек ҳис қиламан ўзимни.

Шоҳбекатнинг қулф осилган ҳизмат кўрсатишда камчиликлар бўлмайди, деган ваъдаларни бергандир, ахир. Лафзларим мени саволга тутишди:

– Суратларни нима қиласиз?
– Газетага бермоқчиман...
– Унда "Тошкент – Бекобод" йўналишида иккитагина автобус қатнаётганини, улар эрта-лаб соат 11 дан йўлга тушиши ҳам ёзинг. Бу йўналишнинг тендерда ютган ташкилот:


"Автобус қатнови, кира ҳақи, ҳизмат кўрсатишда камчиликлар бўлмайди", деган ваъдаларни бергандир, ахир. Лафзларим мени саволга тутишди:

Вилоят ҳокимлик соатларида аҳолига ҳизмат кўрсатиш сифатини доимий ошириб бориш, айниқса, кексалар учун хавас қилса арзигulik шароит яратиб бериш ҳақида кўп гапириляпти. Бу гаплар йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш соҳасига ҳам тегиш-

ли, албатта. Зеро, автобус келишини кутиб, тик оёқда туриб қолган, панарок жойдан тузуқроқ ўриндиқ излаб, кўзлари жавдираб турган йўловчилар орасида кексалар ҳам бор.

Қисқаса, юқорида айтилган гаплар ҳақида вилоятдаги шоҳбекатларга ҳизмат кўрсатувчи корхоналар-у йўловчи ташитиш транспорти йўналишлари тендери шартларини назорат қилувчи ташкилотлар тузуқроқ ўйлаб кўришса ва жўяли чоралар кўришса, ҳўб яхши иш бўларди...

Даврон АҲМАД. СУРАТАРГА: шоҳбекатнинг қулф осилган эшиги ва чиптахонанинг ёпиқ дарчалари.



Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ



Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра ФАЙЗИЕВА:

– Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир” деган фикрлари мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлангани, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидаги ролини ошириш, хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалар эканидан далолатдир. Виллоятимизда ушбу мақсадларга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, ҳар йили хотин-қизлардан раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-

ридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида махсус ўқув курслари ташкил этилмоқда. Турли йўналиш ва мавзуларда анжуман, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Шунингдек, чет давлатлар билан тажриба алмашинуви йўлга қўйилган. Ўтган икки йил давомида вилоят ҳокимлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қотибяти мудири Насиба Қулбекова ва Тошкент Давлат аграр университетининг бошланғич хотин-қизлар ташкilotи раиси Саодат Солихова Жанубий Кореяда, Чингелди маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқитувачиси Феруза Бозорбоева Германияда бўлиб, ўша давлатлардаги хотин-қизларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб қайтишди.

Бундан ташқари, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган иқтидорли ёш қизларимизни қўллаб-қувватлаш, бу орқали малакали кадрлар захирасини яратиш борасида ҳам қатор таътилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир шундай қизларнинг 10 минг нафардан зиёдроги аниқланиб, доимий мониторинг юритилмоқда.

Виллоятимиз аҳолисининг 50 фоиздан кўпрогини ташкил қилувчи хотин-қизлар билан олиб борилган мақсадли тарғибот-ташвиқот ишлари ва бу йўналишдаги махсус дастурлар ижроси натижасида, бугун уларнинг 16 нафари “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти

соҳибаси, 91 нафари фан номзоди, фан доктори ва профессор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яна илғор хотин-қизларимизнинг 25 минг нафардан зиёдроги кишлоқ ҳўжалигида, 20 мингдан зиёдроги саноат соҳасида, 22 мингдан зиёдроги соғлиқни сақлаш тизимида, 17 мингдан зиёдроги эса халқ таълими, 14 мингга яқини маданият, спорт ва илм-фанда, 5 мингдан зиёдроги тадбиркорликда ва бир неча минг нафари турли соҳаларда, улардан 3 минг нафаридан ортиғи раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аёлларнинг оилада тинчлик, оёсийшталлик, меҳр-муҳаббат муҳитини шакллантириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш боробарида, жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгила-нишларда ҳам фаол иштирок этмоқда.



Газетамизнинг ўтган сонида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимининг «Тошкент вилоятида фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор

ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ АНЧА КЕНГАЙДИ



“Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Комилжон ШОДИМЕТОВ:

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган ҳар иккала сайловга ҳам партияимиз пухта тайёргарлик кўрди. Айниқса, муносиб номзодлар танлашга ало-

ҳида эътибор қаратиб, ҳар бир ўринга 3-4 нафардан салоҳиятли, бой ҳаётий тажриба эга, фидойи ва билимли номзодлар тавсия этилди. Ўтказилган танловларимиз асосида вилоятдаги 13 та Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 60 та Халқ депутатлари вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларига 528 та депутатлик ўринлари учун қўйилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари юқори савияда ўтказилди.

Бутун сайлов даврида туман ва шаҳар партия кенгашларида сайлов штаблари долзарб ва тез ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, вилоят кенгашига амалий ёрдам берди.

Партияимиздан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари партия дастуридан келиб чиқиб, сайловчи-

ларга унинг мазмун-моҳияти ва мақсадларини ифода қилишда беришди. Учрашувларда, шунингдек, ечимли кутаётган муаммолар масалалар юзасидан ҳам номзодларимизнинг қарашлари тингланиб, сайловчилар билан мунозаралар ташкил этилди.

Олиб борилган сайл-харакатларимиз натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир нафар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 63 номзод депутат этиб сайланди. 2009 йилдаги сайловларда номзодларимиздан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 3 нафар депутат сайланган бўлса, бу сафар депутатларимиз 9 нафарга кўпайиб, 12 нафарга етди. Депутатлик корпусимиз ҳам кенгайиб, 16 та шаҳар ва туманларда депутатлик гуруҳи ташкил топди.

ЮРТ КЕЛАЖАГИ БИЗНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИМИЗГА БОҒЛИК

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ЕТАКЧИ КУЧ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Равшан ҒОЗИЕВ:

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига очилик ва ошқоралик, халқаро меъёр ва андозларга тўла мувофиқ равишда ўтган сайловлар, авваломбор жамоатчилигимиз ва халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуқлик даражаси сезиларли ошганини кўрсатди.

Партия фаолиятини тарғиб қилиш, электоратини қўллаб-қувватлаш ва аъзолар сафини кенгайтиришда, мамлакатимизда ҳусусий сектор вакилларини кўпайтиришда партиявий лойиҳалар муҳим ўрин тутади.

Партиявий лойиҳаларни амалга оширишда партияимизнинг “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” ва “Бизнес тузилмалар ва тадбиркорлар билан ишлаш” бўлиmlарининг ўрни бекиёс. Жумладан, “Аёллар қаноти” 3 та йирик, яъни “Тадбиркорлик тамойили – ишбилармонлик имкониятлари”, “Оилавий тадбиркорликдан – мустақам оила”, “Соғлом оила – мустақам оила” лойиҳалари орқали виллоятимиз аёлларини нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширади, балки тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятлари, соғлом турмуш-

тарзини шакллантиради. “Ёшлар қаноти” бўлими “Диплом билан бизнесга”, “Ишбилармон талаба”, “Парламентда менинг ўрним” лойиҳаларининг виллоят босқичини юқори савияда ўтказиб, унда 300 га яқин ёшлар иштирок этди. Уларнинг 30 нафарга яқини стипендиялар соҳиб бўлишган бўлса, яна ўз бизнес лойиҳасига эга бўлган 16 нафар имтиёзли кредитлар билан таъминланди ва бизнесини бошлашди.

“Бизнес тузилмалар ва тадбиркорлар билан ишлаш” партияимизнинг асосий бўлими бўлиб, бевосита электоратимиз бўлимиш тадбиркор ва фермерлар билан иш олиб боради. Ушбу бўлим “Тадбиркорлар мулоқот форуми”, “Мулкдор оила” лойиҳаларини амалга ошириш асносида, тадбиркор ва фермерларга ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий кўмак бермоқда.

“Тадбиркорлар мулоқот форуми” доирасида 14 тадбиркор ва фермер муаммолари юзасидан ҳуқуқий ёрдам олишди. “Мулкдор оила” лойиҳаси қатнашувчиларининг 40 га яқини имтиёзли кредит олиш учун сертификат билан таъминланди.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ҳам партияимиз семинар-тренинглар ташкил этиш йўналишида барча ҳудудлардаги партия фаоллари учун “Янги сайловлар – жамият учун сифат жиҳатдан янги имкониятлар” ҳамда “Сайловларга кўмакдош” лойиҳаси доирасида 80 дан ортиқ тадбирлар, хусусан, ФЖШМКМИ билан ҳамкорликда “Маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиладиган сайловларда сиёсий партияларнинг ваколати ва ишончли вакиллари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзuida қатор давра суҳбатлари ўтказилди.

Сиёсий таълим марказлари барча ҳудудларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан 400 дан ортиқ семинарлар ташкил этди. Унда 12 мингдан ортиқ партия аъзоси қатнашиб, ҳуқуқий билимларини мустақамлашди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Сирожиiddин АЪЗАМОВ:

– Бўлиб ўтган ҳар иккала сайловда ҳам партияларнинг ўзаро сиёсий рақобатга киришиб, сайловолди дастури билан электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қатта эътибор қаратганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда партияимиз ҳам сайловолди кампанияси даврида номзодларни танлаш, учрашувларда кўпроқ сайловчиларни қамраб олиш,

тарғибот-ташвиқот ишларини янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Сайлов жараёнида партиянинг нуфузи эмас, номзоднинг шахс сифатида ортирган обрў-эътибори, эл манфаатлари йўлида олиб бораётган ишлари биринчи даражада омиш ҳисобланади. Шунинг билан олиб бораётган ишлари олиб боради. Тарғибот мобайнида 300 дан кўпроқ педагог ҳодимлардан иборат кўнгилилар иштирок этди. Ўтказилган тадбирларда 50 мингга яқин ёшлар қамраб олинди.

Ёшларимизнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва оғли муносабатини шакллантириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга чуқур сингдириш, уларда Конституция ва қонунларимизга ҳурмат ҳиссини қамол топтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ

тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ёшлар ҳаётига оид қонуний-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этиши, ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг билими таъминлаш мақсадида судьялар билан 2014 йилда 45 марта “Суд ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Шунингдек, йил давомида жами 96 марта “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари ўтказилди. Учрашувларда ёшлар билдирган 70 дан ортиқ тақлиф ва бир қатор камчиликлар туман-шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтида ижобий ва самарали ҳал этилди. Ушбу жараёнларда 15 мингга яқин ёшлар иштирок этди.

Сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 16 ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларига 202 номзод депутат этиб сайланди. Депутатларнинг кўпчилиги биринчи марта сайланган, 60 га яқини аёллар ва 10 дан ортиғи ёшлар экани диққатга сазовор.

Сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 16 ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларига 202 номзод депутат этиб сайланди. Депутатларнинг кўпчилиги биринчи марта сайланган, 60 га яқини аёллар ва 10 дан ортиғи ёшлар экани диққатга сазовор.



Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда юқоридagi тадбирлар билан бир қаторда коллеж ўқувчилари ўртасида “Сайлав менинг ҳуқуқим”, “Президентимга овоз бераман”, мактаб ўқувчилари ўртасида “Ҳуқуқ билимдонлари”, ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилиш мақсадида “Ёшлар ва қонун” мавзуларида тарғибот лойиҳалари амалга оширилди. Мазкур тадбирларда 50 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

САЙЛОВЛАР ПАРТИЯМИЗ НУФУЗИ ОШГАНИНИ КўРСАТДИ



Миллий тикланиш демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Махмуд НАЗАРОВ:

– Партияимизнинг сайловолди дастури мазмун-моҳияти ва мақсадини сайловчиларга етказиш мақсадида учрашувлар юқори савияда ташкил этилди. Шунингдек, тўрт мартадан телевидение, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталарида чиқишлар бўлди.

Бу сайлов ўтган сафаргисидан депутатлар сафини кенгайтириш билан фарқ қилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, ўтган сафаргисига нисбатан иккита кўп, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 6 депутат сайланиб, олдинги натижа сақланди. Туман ва шаҳар кенгашларига эса 76,

яъни аввалгисига нисбатан 15 та кўп депутат сайланди.

Сайловларга тайёргарлик жараёнида партияимиз марказий кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан имзолаган ҳамкорлик меморандумига асосан, институтининг вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда белгиланган режа асосида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, партияимиз ва сайлов участкаларига бириктирилган аъзоларимиз кузатувчи ва ваколатли вакиллар иштирокида “Сайловларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари”, партия фаоллари иштирокида “Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари”, шунингдек, “2009 йил сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш яқунлари ҳамда келгуси сайловларда дастурий ҳужжатларни тайёрлашнинг асосий ёндашувлари” мавзuida семинар-тренинглар ўтказилди.

БОШҚАРУВНИНГ САМАРАЛИ БЎҒИНИ



“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Абдурашид РАСУЛОВ:

– Кенг аҳоли қатлами ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, оилаларнинг оёсийшталлигини сақлаш, иқтисодий ночор оилаларга, ёлғиз ва ногиронларга моддий ёрдам бериш, уларнинг ҳолидан доимий хабардор бўлиш, ҳудудларнинг озода ва кўркамлигини таъминлаш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган барча вазифаларни сифатли ва вақтида бажарилишига асосий эътиборни қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда кекса ва ногиронларга пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот идоралари кўрсатаётган хизматлар сифати юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатish бўйича комиссиялар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Вилоят бўйича 318 уруш қатнашчиси рўйхати шакллантирилиб, шундан ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топилган 96 нафарига 60 миллион сўмлик замонавий телевизорлар ажратиб режалаштирилди. Ҳозирга қадар икки уруш қатнашчисига шундай телевизорлар топширилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 619 нафар ёлғиз, кекса ва ногиронларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли ва манзилли етказиш режалаштирилди.

зилиши бўйича ҳар бир маҳаллада жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бунда, ажратилган моддий ёрдамларнинг ўз эгаларига етказилишига масъул ҳодимларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хомилар билан биргаликда уруш ва меҳнат фаришларининг хонадонларини ҳашар йўли билан ободонлаштириш, жорий ва зарур ҳолларда мукамал таъмирлаш режалаштирилиб, ушбу мақсадлар учун фондимиз 150 миллион сўм сарфлашни белгиланган.

Охангарон туманидаги “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшовчи 500 нафар кекса ва ногиронларнинг мавсумий кийим-кечак, кўрпа-тўшак жиҳдлари ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, уларнинг мазмунли дам олишлари учун турли маданий ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда.

Вилоятимиздаги барча мактаб, коллеж ва академик лицей, олий таълим муассасаларида кексаларни эъзозлашга бағишланган “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қўша қариб қадар топганлар”, “Уч авлод учрашуви” ва “Кексалар дуосини олайлик” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги тадбирлар доирасида ҳар бир шаҳар ва тумандан 60 нафардан, жами бир минг 80 нафар кексаларимизнинг тарихий шаҳарларга сафарини уюштириш режалаштирилган. Ҳозирга қадар ушбу шиор остида 499 нафар кексаларимиз учун Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ҳамда виллоятимизнинг тарихий ёдгорлик ва муқаддас қадимжоларига сабақлар ташкиллатирилди.

ТАРИХИЙ МЕРОС – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ



“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа ЭШМИРЗАЕВА:

– Буюк аجدодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий ме-

санин кўз қорачиғидай сараб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар ҳазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларимиз онгига миллий гурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиклол гоёларига садоқат туйғуларини сингдириш мақсадида виллоятимиз ҳудудидаги қўллаб-дават ва нодават но-

тижорат ташкилотлари ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Хусусан, бошқармаимиз вилоят хотин-қизлар кўмитаси, адлия, халқ таълими бошқармалари, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими, “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан

ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширмоқда. Жумладан, Охангарон, Бўстонлик, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида маданий мерос объектларини сақлаш, зиёратгоҳларни қайта тиклаш, келажак авлодга етказиш ва дунёга танитиш каби олижаноб мақсадларда суратга олинган фильм ва чоп этилган китоблар тақдиротларида ҳамкор ташкилотларнинг иштироки алоҳида эътиборга сазовордир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиши, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш таъйинлини амалга оширишда фуқароларимизнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги алоҳида аҳамият касб этади. Буларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ҳам тобора ортиб бормоқда.

